



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MANKAMASINING FARMOYISHI

20 23 yil « 28 » sentabr

№ 617-F

Toshkent sh.

Жорий йилнинг 28 сентябрь куни соат 02:43 да Тошкент шаҳар, Сергели тумани, Хонобод кўчаси, 3-уй манзилида жойлашган омборхонада ёнгин (кейинги ўринларда – фавкулудда ҳолат) юз берган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг топшириқларига мувофиқ юз берган фавкулудда ҳолат сабабларини ўрганиш, кўрилган талафотларни бартараф этиш ва жабрланганларга ёрдам кўрсатиш мақсадида:

### 1. Қуйидагилар:

фавкулудда ҳолатни тезкор бартараф этиш мақсадида ёнгин-қутқарув ва махсус техникалар жалб қилинганлиги ҳамда жабрланган фуқароларга шошилиш иxtисослашган **тиббий ёрдам кўрсатилаётганлиги**;

фавкулудда ҳолат оқибатида аҳоли хонадонлари, кўп қаватли уй-жойлар ҳамда нотураб бино ва иншоотларга (кейинги ўринларда – объектлар) етказилган **зарарларни бартараф этиш бўйича ишлар бошланганлиги** маълумот учун қабул қилинсин.

2. Тошкент шаҳар, Сергели тумани, Хонобод кўчаси, 3-уй манзилида жойлашган омборхонада юз берган фавкулудда ҳолат сабабларини ўрганиш, кўрилган талафотларни бартараф этиш ва жабрланганларга ёрдам кўрсатиш бўйича **Ҳукумат комиссияси** (кейинги ўринларда – Комиссия) **иловага мувофиқ** таркибда ташкил этилсин.

### 3. Комиссия (А. Раматов) уч кун муддатда:

а) омборхонада юз берган фавкулудда ҳолат сабабларини ўрганиш, кўрилган талафотларни бартараф этиш ва жабрланганларга **тиббий ва психологик ёрдам кўрсатиш бўйича тезкор чора-тадбирларни** амалга оширсин;

б) фавкулудда ҳолат оқибатида зарар етказилган ҳар бир уй-жойни, жумладан, аҳоли хонадонлари, кўп қаватли уй-жойларнинг фасад қисмлари, дераза ва ромлари ҳамда таъмирталаб аҳволга келиб қолган бошқа **бино ва иншоотларга етказилган зарарларни бартараф этиш бўйича моддий ёрдам кўрсатиш** чораларини кўрсин;

в) куйидагиларни:

фавкулудда ҳолат юз беришининг **техник ва бошқа сабабларини, фавкулудда ҳолатни тавсифловчи ашёвий далилларни;**

ёнғин содир бўлган объектда ишлатилаётган техника қурилмалари **саноат ва ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқлигини;**

зарар кўрган ҳар бир уй-жойни хатловдан ўтказиб, хусусий мулкдорлар хонадонларига, кўп қаватли уй-жойларнинг фасад қисмлари ҳамда таъмирталаб аҳволга келиб қолган бошқа бино ва иншоотлар **ҳолатини;**

ўрганиш натижаларига кўра бажариладиган иш турларини аниқлаган ҳолда ҳар бир уй-жой (объектлар) бўйича **манзилли чора-тадбирларни белгилаш ҳолатини;**

омборхонада саноат ва ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари, шунингдек, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига риоя этилганлиги юзасидан ўтказилган **ўрганишлар (текширишлар) ва уларда аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича кўрилган чораларни ўрганиб чиқсин;**

ёнғин содир бўлган объектда фавкулудда ҳолатга олиб келиши мумкин бўлган бошқа **омилларни аниқласин;**

г) текшириш натижалари бўйича Вазирлар Маҳкамасига **ахборот киритсин.**

4. Фавкулудда вазиятлар вазирлиги (А.Қўлдашев), Тоғ-кон саноати, геология ва саноат хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси (Б.Гулямов), Ички ишлар вазирлиги (П.Бобожонов), Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Ш.Умурзаков), Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги (Д.Саттаров), Божхона кўмитаси (А.Мавлонов) манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда фавкулудда ҳолат сабабларини пухта таҳлил қилган ҳолда, Комиссиянинг таклифлари асосида келгусида шу каби фавкулудда ҳолатларнинг олдини олиш бўйича **комплекс чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиб, тасдиқласин ҳамда бажарилишини таъминласин.**

5. Мазкур фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Ж.Раматов ва Ўзбекистон Республикаси фавкулудда вазиятлар вазири А.Х.Қўлдашев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

**Тошкент шаҳар, Сергели тумани, Хонобод кўчаси, 3-уй манзилида  
жойлашган омборхонада юз берган фавқулодда ҳолат сабабларини  
ўрганиш, кўрилган талафотларни бартараф этиш ва жабрланганларга  
ёрдам кўрсатиш бўйича Ҳукумат комиссияси  
ТАРКИБИ**

1. А. Раматов – Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ҳукумат комиссияси раиси
2. А. Қўлдашев – фавқулодда вазиятлар вазири, Ҳукумат комиссияси раиси ўринбосари
3. Ш. Умурзаков – Тошкент шаҳар ҳокими в.б, Ҳукумат комиссияси раиси ўринбосари
4. Ш. Раҳмонов – ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари
5. А. Иноятов – соғлиқни сақлаш вазири
6. Б. Мусаев – камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири
7. Б. Гулямов – Тоғ-кон, геология ва саноат хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси бошлиғи
8. С. Зупаров – фавқулодда вазиятлар вазирининг биринчи ўринбосари
9. А. Мавлонов – Божхона қўмитаси раиси
10. К. Туляганов – Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат инспекцияси бошлиғи
11. И. Ниматуллаев – “Ўзэнергоинспекция” бошлиғи
12. Д. Сатгаров – Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги директори
13. Б. Раҳмонов – Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари
14. Э. Шукуров – Сергели тумани ҳокими

15. Х. Иногамов — Янгиҳаёт тумани ҳокими
16. У. Музаффаров — Фавқулодда вазиятлар вазирлиги бошқарма  
бошлиғи, *Ҳукумат комиссияси котиби*

